

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2019 йил 31 июль – 1 август кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Минск шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон – Беларус мулоқотининг давоми сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Президентлар Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмаси ва Беларус юқори технологиялар парки билан танишадилар. Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти имзолалиши ҳамда Ўзбекистон – Беларус кўп қиррали шериклигини, жумладан, инвестициялар, ишлаб чиқариш, илмий-техник кооперация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга мустақам асос яратадиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон – Беларусь: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 31 июль – 1 август кунлари расмий ташриф билан Беларус Республикасида бўлади.



Мазкур ташриф давлатимиз томонидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлар билан мулоқот ҳамда ўзаро алоқаларни мустақамлашга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишнинг мантиқий давомига айланади.

Ўзбек ва беларусь халқлари ўртасидаги дўстлик вақт синовидан ўтди ҳамда замонавий босқичда икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқалар суръатини босқичма-босқич кучайтириб бориш учун пухта асос яратди.

Бугун томонлар халқаро кун тартибидagi, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги кўлаб долзарб масалалар бўйича ўхшаш позицияларга эга. Парламентларaro ҳамкорлик фаол ривожланипти, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги аниқ лойиҳалар бўйича икки томонлама муносабатлар кенгаймоқда.

2

Forbes:

«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ ТАРИХДАГИ МУНОСИБ ЎРНИНИ ҚАЙТАДАН ЭГАЛЛАМОҚДА»

Американин «Forbes» журнали сайтида «Ўзбекистон делегацияси АҚШга ташриф буюрди. Делегация аъзолари мамлакат кўп йиллик ёпиқликдан сўнг тadbirkorлик учун очилганини айтишмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Унда 2019 йил 16 – 23 июль кунлари Ўзбекистоннинг юқори даражадаги делегацияси ва ишбилармон доиралари вакиллари АҚШда бўлгани, Вашингтон шаҳрида сиёсий маслаҳатлашувлар, сўнгра Нью-Йорк шаҳрида тadbirkorлик йўналиши билан боғлиқ тadbirkorлар бўлиб ўтгани хабар қилинган.

2

Худудий секторлар фаолиятдан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Пискент тумани бўйича тузилган секторлар фаолияти ҳам кўлам ва қамров касб этиб бораёпти.

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ БЎЛ(МА)ЯПТИ

Шуни таъкидлаш лозимки, туман ҳокими раҳбарлигида 1-сектор ҳудудида 12 та маҳалла, 7 минг 335 та хонадон қамраб олинган бўлиб, сектор аъзолари томонидан уйма-уй юриш натижасида 631 та хонадонда 674 та муаммо аниқланди. Ана шу муаммоларнинг 374 таси жойида ҳал этилиб, қолган 300 тасини барта-раф этиш чоралари кўрилмоқда.

Одамларни рози қилиш учун, энг аввало, уларни тинглаш зарур. Сектор ҳудудида уй-жойга муҳтожлар жами 72 та бўлиб, имкон қадар уларнинг эҳтиёжини қондириш йўллари изланаётди. Бу борада уй-жой таъмирига муҳтож, ўта оғир шароитда яшаётган оилалар аниқланиб, биринчи навбатда уларга ёрдам бериш чоралари кўриляпти. Имтиёзли уй-жой олиш

учун бошланғич тўловни амалга ошира олмайдиган оилаларга кредит олишларида қўмаклашиш ва босқичма-босқич тўлаб бориш имконияти яратилмоқда. Булардан ташқари, ҳудудда табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви бўйича юзага келган муаммолар ижобий ҳал этилаётганлиги ҳам диққатга сазовор.

2

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Бу ҳужжат аҳолига ихтисослашган онкологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Замонавий тиббиёт ютуқлари:

ДАРА БОРКИ, ДАВОСИ БОР



Бугунги кунда онкологик касалликлар бугун дунёда инсон саломатлигига жиддий таъсир этаётган долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бирига айланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, бундай касалликларга чалиниш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам 100 мингдан ортиқ бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туради. Афсуски, 60 фоиздан ортиқ ҳолатларда ушбу касаллик кечки, яъни учинчи ва тўртинчи босқичларда, яъни тўлақонли даволаш мушкул бўлган ҳолатларда аниқланмоқда.

Шу боис, давлатимиз томонидан онкологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволашга қатта эътибор қаратилмоқда. Буни Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қарор асосида юқорида тилга олинган мазкур марказ филиали ҳам замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, 8 нафар шифокор чет элда малака ошириб келди.

Давоми 2-бетда ➡

НУРАФШОН ЎЗ НОМИГА МОС МАНЗИЛГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Вилоят ҳокимлигида Нурафшон шаҳрида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижадорлиги, шаҳардаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг аҳоли, ҳудудий секторлар фаолияти таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, тегишли гуруҳ ва котибиятлар, бош-

қарма ва ташкилотлар раҳбарлари, Нурафшон шаҳри фаоллари, ҳудудий сектор раҳбарлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, шаҳардаги корхона ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш идоралари масъуллари қатнашдилар. Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов бошқарди.

Вилоят ҳокимлигида

Таъкидланганидек, Нурафшон вилоятимизнинг янги маъмурий маркази сифатида бутун мамлакат эътиборини ўзига жалб этиб турган, шаҳарсозликнинг энг замонавий ютуқлари асосида бунёдга келаятган навқирон шаҳардир. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан айни пайтда Нурафшонда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари давом этмоқда, мутлақо янги инфраструктура вужудга келаяпти. Вилоят миқёсидаги бошқарма ва ташкилотлар, банк ва молия муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари учун маъмурий бинолар, кўп қаватли тураржойлар қурилиши жадвал давом этаёпти.

Таъбир жоиз бўлса, Нурафшон бамисли янги рўзгор, уни бутлаш, оёққа қўйиш ўз-ўзидан, осонликча бўлмайди. Бироқ, ҳар қандай янги оилада тезроқ жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топиш, ота-она, яқинларнинг ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлашидан фойдаланиб, ўзини ўнглаб олиш иштиёқи бўлади. Афсуски, бугун шаҳар ҳаётида ана шу жўшқинлик масъулияти, бунёдкорлик иштиёқи сезилаётгани йўқ. Яратилаётган имкониятлардан кўпроқ ва самарали фойдаланиш, одамларни янги шаҳар қуришдек



тарихий жараёнга сафарбар этишда шаҳар раҳбарларида етарлича ғайрат ва шижоат етишмаяпти. Шаҳарга келган одам бу ерда қўли-қўлига тегмай ободлик, яратувчанлик иштиёқи билан ёнаётган одамлар кайфиятини эмас, қандайдир сокинлиқни, ўзи-бўларчилиқни, яна ҳам аниқроқ айтганда, ғафлат уйқусини ҳис этади, деб қайд этди вилоят раҳбари.

Йиғилишда Президенти-

мизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида қўйилган вазифалар ижроси, бу борада шаҳар раҳбарлари ва фаолларининг масъулияти танқидий муҳокама қилинди ва вилоят ва шаҳар миқёсидаги мутасаддилар зиммасига тегишли «Йўл хариталари» юзасидан кечиктириб бўлмас, зарур чоралар кўриш юқланди.

Ўз мухбиримиз
Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган суратлар

Нуктаи назар

Тарих – бу бугунги кўлидан тутиб, келажакка етаклайдиган кучдир. Уни билмасдан ва ўтмишнинг воқеаларига тўғри баҳо бермасдан, бугуннинг йўлини тўғри танлаш ва келажакка қараб юриш анча қийин.

ТУЗ ҲУРМАТИ «ТУЗЛАШ» БИЛАНМИ?

Мутахассислар фикрига кўра, тарих, у хоҳ узок ўтмиш ёки кечаги кун ҳақида бўлсин, уни ўрганиш ўзининг икки жиҳати билан мураккаб ҳисобланади, яъни, бир тарафдан келажак авлодга воқеалар ва уларга алоқадор шахслар ҳақида фақат ҳаққоний маълумотлар етказилиши муҳим бўлса, иккинчи тарафдан, келажак авлод ушбу тарихий воқеалар, уларга туртки бўлган сабаблар ва алоқадор шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида чуқур мулоҳаза қилишлари, улар атрофида фалсафий фикр юритиб, мантиқий тўғри хулосалар чиқара олишлари аҳамиятли ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инглиз тарихчиси Юм: «Мен ўз уйим деразаси тағида ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа ҳақида аниқ маълумотга эга бўлолмаётган бир пайтимида, қандай қилиб тарихий воқеалар ҳақида асар ёзишим мумкин», – деганидек, узок ўтмиш ёки яқин ўтган кунлар ҳақида гапирилганида, аввало, маълумотлар майдони кенг бўлиши ва улар зинҳор шахс ёки миллат, давлат ёки халқ фойдасига бўрттирилмаслиги, ёхуд аксинча, камситилмаслиги ва фақат ҳаққоний фактларга таянилиб, воқеалар ва уларнинг сабаблари аслигича етказилиши зарур.

Давоми 3-бетда ➡

Тўртинчи сектор: НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ – ЧИРЧИҚ

Аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар давом этмоқда. Ана шундай тadbirkorлардан наватбадгиси Чирчиқ шаҳрида ташкил этилди.

Сайёр қабулда 80 дан ортиқ фуқаро иштирок этиб, улардан турли масалалар юзасидан 31 та мурожаат келиб тушди. Шундан 3 нафар фуқаронинг мурожаати жойида ижобий ҳал этилди. Саккиз кишига ҳуқуқий тушунтириш берилди ва 20 та муаммо тегишли ташкилотларга юборилди. Учрашув давомида солиқ

соҳасидаги ўзгаришлар, ичимлик суви, электр энергияси, ички йўллар таъмири, тураржойга эгаллик ҳуқуқини расмийлаштириш каби ўнлаб мурожаатлар ҳам атрофлича ўрганилди.

Шу кун 4-сектор раҳбари ва мутасаддилар фуқароларининг яшаш шароитларини ўрганиш мақсадида Чирчиқ

шаҳридаги 6 та маҳаллада муаммолари хонадонларга кириб, уларни қийнаётган масалалар билан яқиндан танишишди.

– Биз анчадан бери бир хонадонда икки оила яшаямиз, – дейди «Тинчлик» маҳалласилик Грета Сапарова. – Шу сабабдан уйга эҳтиёжимиз бор эди. Мутасаддилар хонадонимизга келиб, бу борада ёрдам беришларини айтишди. Бундай эътибордан жуда хурсанд бўлдим.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси
Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўъбаси

Юксак ва юқори даражадаги алоқалар суръати ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳамкорларнинг аъёнидан дўстлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва бунинг учун мавжуд салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган қатъий интилишлари бунинг тасдиқлайди.

Хусусан, 2018 йил 12 – 14 сентябрь кунлари Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзаро шериклигининг янги босқичини бошлаб, уни барча йўналишда янада ривожлантириш учун кучли туртки берган муҳим қадамга айланди.

Зеро, унинг якунида икки давлат раҳбарлари томонидан 19 та ҳужжат, қиймати қарийб 260 млн. долларлик 90 дан ортиқ савдо битимлари имзоланди.

Кейинги икки йилда Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигидаги парламент делегацияси, Бош вазир ўринбосари А. Султонов раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси, Савдо-саноат палатаси раиси, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Беларусга амалга оширган ташрифлари конструктив мулоқотни раванг топтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўз навбатида, Беларусь Миллий мажлиси Республика Кенгаши Раиси ўринбосари М. Шеткина раҳбарлигидаги делегация ва бошқалар мамлакатимизга келди.

Савдо-иқтисодий жабҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик фоллашгани кузатилди. Бугун Беларусь Ўзбекистоннинг МДҲ мақомидаги муҳим ташқи савдо шериги ҳисобланади.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик 1993 йил 21 январдаги "Савдо муносабатлари тўғрисида"ги ва 1994 йил 22 декабрдаги "Икки марта солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулкка нисбатан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида"ги ҳукуматлараро битимлар билан тартибга солиб келинмоқда. Икки мамлакат ўртасида эркин савдо режими амал қилляпти.

Икки давлат раҳбарлари учрашуви чоғида Ўзбекистон ва Беларусь иқтисодиётлари бир-бирини тўлдирувчи тузилмага эга эканлиги кўп бор таъкидланди. Бинобарин, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айни чоғда ҳар икки тараф ҳам ҳали ишга солинмаган бой салоҳият мавжудлиги, ундан фойдаланиш эса икки томонлама товар айланмаси ҳажмини ошириш имкониятини беришини тасдиқламоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь, жум-

◀◀ Бошланиш 1-бетда

Муаллиф Мелик Кайлан Манхэттенда (Нью-Йорк) "Ўзбекистон капитал бозори имкониятлари" мавзусида ташкил этилган инвестициявий форумда қатна-

олган, жиддий, самарали ва амалий натижаларга эришишга қаратилган ҳамкорликка тайёргилини билдирган. Мелик Кайлан тадбир давомида икки мамла-

кат келажагини яхши томонга ўзгартиришга эришди – мабуслари озолидига чиқарди, мамлакатда хорижий ОАВ фаолият юритишга рухсат берди, республика-

мамлакатда изчил ўзгаришлар амалга оширилиши зарурлигини яхши билади. Бу йўналишдаги дастлабки қадамлар қўшни давлатлар билан чегара масалалари-

ни очгани ҳақида хабар қилган. Бундан мақсад халқ билан барқарор мулоқот ўрнатилиш, одамлар билан маслаҳатлашиш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Мақола муаллифи ўзбекистонлик тадбиркорлар билан суҳбатлашар экан, мамлакат иқтисодиёти йилга 5 фоиз ўсаётгани ҳамда мазкур сурат жаллашаётганига ишонч ҳосил қилади. Бу жараёнда барқарор тараққиёт таъминланаётгани, турли нотинчликларга йўл қўйилмаётгани таъкидланади. Барча савий-ҳаракат Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Мелик Кайлан мақоласига "Қарийб ўттиз йилдан сўнг Ўзбекистон ўзининг тарихидаги муносиб ўрнини қайтадан эгалламоқда", деган фикр билан якун ясаган.

"Дунё" АА.

Тиббиёт маскани 1926 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўзининг 93 йиллик тарихига эга. У нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёдаги энг дастлабки муассасалардан ҳисобланади. Марказда 9 та клиник ва 3 та кенг қўламда тахлиллар ўтказадиган диагностик бўлимлар мавжуд. Шунингдек, беморларни қабул қилиш ва уларга сифатли ёрдам кўрсатиш мақсадида замонавий жиҳозлар ва диагностика ускуналари билан таъминланган поликлиника ҳам фаолият кўрсатади. Бу ерда барча соҳа ўсмаларини аниқлаш ёки инкор қилиш, уларни даволаш бўйича юқори малакали мутахассислар жамланган.

– Мен бир йилдан бери оғир дард билан юрдим. – дейди ўзини таништиришни хоҳламаган олмаликлик бемор аёл. – Овқат есам бўлди, оғриқ пайдо бўлаверарди. Кундан-кунга озиб, рангим оқариб кетаверди. Дард чеккан сари руҳан эзилардим. Турли шифохоналарга бориб, ҳар хил муолажалар олдим, лекин фойдаси бўлмади. Охири шу ерга келишни маслаҳат беришди. Шифокорлар обдон текшириб, аниқ ташхис қўйишди. Касаллик анча ривожланиб бўлга-

тади, дея бепарволик қиламиз. Қачонки иложи қолмаганида мижбуран шифокорга юзланамиз. Шифокорнинг саволига машхур кизиқчимиз, раҳматли Ҳожибой Тожибоев мутўйба қилганидек, "Кеча туппа-тузук юрганди, бугун бирдан йиқилиб қолди", дея жавоб қайтарамиз.

Сир эмас, касалликни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда лаборатория натижалари ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Мазкур марказдаги патоморфология ва биохимия лабораториялари четдан келтирилган замонавий ускуналар ҳамда зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Бу натижаларни сифатли чиқишига ва иш самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Жумладан, бир кунда ўртача 70-80 та биохимик таҳлил олинади.

– Ҳозирда тиббиёт ютуқлари орасида онкология соҳаси дадил одимлаб бораёпти. – дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали бош шифокори Абдулла Абдуҳақимов. – Негаки, бу йўналишда очилмаган қирралар жуда кўп эди. Бу соҳа мутахассисларини ўз усти-

Замонавий тиббиёт ютуқлари:

ДАРД БОРКИ, ДАВОСИ БОР



нини, фақат операция қилиш орқали ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини айтишди. Шукрки, операция кўнгилдагидек ўтиб, кўриб турганингиздек, анча яхшиман. Бир йил чеккан азобларим ва қийинчиликлар ортда қолганидан қанчалик хурсандлигимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бунинг учун кўли энгил шифокорлардан жуда миннатдорман. Эртага оилам ва фарзандларим бағрига қайтаман.

– Бу синглимиз бизга ўта оғир ҳолатда келди. – дейди муассасанинг 1-хирургия бўлими шифокори Шамсиддин Саъдуллаев. – Камқонлик, қорин оғриги ва ичкари фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ муаммолардан шикоят бор эди. Текширувлар беморда йўғон ичкада, жигар бурчагида ўсма борлигини кўрсатди. Бу ёмон сифатли ўсмалиги аниқланганидан сўнг шифохонага ётқизилиб, операцияга тайёрланди. Операция Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори Шухрат Мухаммеджонов бошчилигида муваффақиятли ўтказилди. Шу ўринда, айтиш керакки, мазкур ўсма 3-4 йил олдин пайдо бўлган. Бунинг бемор билмаган, агар касаллик эртароқ аниқланганда, операцияга ҳожа қолмасди.

Шифокорнинг сўзларидан шуни англаш мумкинки, ҳар бир инсон саломатлигини ўйласа, мунтазам профилактик текширувлардан ўтиб туриши керак. Базан, бирор жойимиз оғриб қолса, ҳозир шифохонага боришга вақтим йўқ, оғриқ ўтиб кет-

да тўхтовсиз ишлашни, янгиликка интилишни ва янги адабиётлар билан мунтазам танишиб боришни талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, биз ҳали ҳам ўқиш, ўрганиш, тажриба алмашиш жараёнидамыз. Шу сабабли, ҳар кун эрталаб барча шифокорлар йиғилиб, ярим ёки бир соатча интенсив фикр алмашамиз, маслаҳатлашамиз.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳар чоракда филиалнинг малакали мутахассислари томонидан чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилади. Жумладан, жорий йилда Олмалик ва Охангарада мана шундай тиббий кўриклар ўтказилди. Унда 2 минг 660 нафар киши текширилиб, 269 нафаридан саратон ва саратонлиди касалликлари аниқланди ҳамда керакли тавсиялар беришди.

Кейинги йилларда марказга текшириш ва даволаниш учун мурожаат қилаётганлар сони сезиларли равишда ортмоқда. Хусусан, бу ерда 1999 йилда 2 минг 700 нафарга яқин, 2009 йилда 7 минг 800 нафар ва 2018 йилда 12 мингга яқин бемор даволанган.

Дарҳақиқат, статистикадан кўриниб турибдики, касалланиш кўпайиб бораёпти, барчамиз бундан тўғри хулоса чиқариб, соғлиғимизга жиддий эътибор қаратайлик. Зеро, касалликни даволагандан кўра, олдини олган афзал, дейдилар.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

◀◀ Бошланиш 1-бетда

Ўзбекистон – Беларусь:

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

кооперацияси асосида Беларусь тракторлари ишлаб чиқараётган "ТҚХТЗ" АЖ, шунингдек, Беларусь компаниялари билан биргаликда йўл-қурилиш ва махсус техникалар етказиб бераётган "Амкардор-Агротехмаш" ҚҚ ва "Крантас" МЧЖ фаолияти самарали сармоявий ҳамкорликка мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ўзаро муносабатларнинг устувор соҳаларидаги амалий алоқаларни мувофиқлаштириш ва жаддаллаштиришда самарали механизм ҳисобланади. Жорий йил июнь ойида Минск шаҳрида унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Икки республика ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам сезиларли равишда фаоллашди. Ўтган йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Беларусь ишбилармонлари ва ҳудудлараро ҳамкорлик форумида Тошкент ҳамда Минск Савдо-саноат палаталари, шунингдек, Тошкент ва Гомель вилоятлари ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Бинобарин, 2018 йилда Беларусь делегацияларининг мамлакатимизга бир қатор ташрифлари уюштирилиб, уларнинг якунлари бўйича Ўзбекистонда умумий қиймати 16 млн. долларлик қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича битим ҳамда меморандумлар имзоланди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик самарадорлигини жорий йилда икки мамлакат ишбилармонлари фаолиги ҳам тасдиқлади. Чунончи,

Ўзбекистон ҳудудлари вакиллари қўшма бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш ва тегишли келишувларга эришиш имкониятларини ўрганиш мақсадида Беларусь Республикаси вилоятларига ташриф буюрди. Ўз навбатида, Беларуснинг бешта ҳудуди бизнесменлари худди шу мақсад билан юртимизда бўлди. Мазкур сафарлар ишбилармонлик ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан самарали кечди.

Илмий-техникавий соҳа ва инновациялар эса ўзаро алоқаларнинг янги йўналишига айланди.

лаш, ривожлантириш мақсадида 1993 йилдан бери Тошкентда "Свитанак" Беларусь маданият маркази фаолият юритиб келяпти.

Икки давлат томонидан ташкил этиб келинаётган йирик халқаро фестивалларда мамлакатларимиз ижодий жамоаларининг иштироки орқали ҳам маданий мулоқот қўллаб-қувватланяпти. Улар орасида Ўзбекистондаги "Шарқ тараоналари" халқаро мусиқа фестивали, Беларусдаги Минск воқалчилар халқаро Рождество танлови ва Славян бозори алоҳида ўрин эгаллайди.

2018 йил сентябрь ойида илмфан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро келишув уни ривожлантириш учун асос бўлди.

2019 йил апрель ойида Минскда Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Беларусь биринчи қўшма мажлиси ўтказилиши томонларнинг мазкур йўналишда самарали мулоқотни қатъий мақсад қилиб олганини яна бир бор намоён этди. Тадбир доирасида энергетика, тиббиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли иқтисодиёт, аэрокосмос, робототехника, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш, кимё, тоғ-кон саноати соҳаларида инновацион технологияларни қўллаш ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Қўшма мажлис якунида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги "Яшнобод" технопарки ва Беларусь Миллий техника университети қошидаги "Политехник" технопарки ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, икки мамлакат халқлари ўртасида анъанавий дўстлик ришталарига асосланган маданий-гуманитар алоқалар ўзаро самарали мулоқотни муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилади.

Юртимиздаги беларусь жамоатчилиги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва икки дўст халқ муносабатлари ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Уларнинг қадриятлари ва урф-одатларини сақ-

ни тартибга солиш ҳамда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан ўзаро манфаатли тижорат шартномаларини имзолашдан бошланди.

Нашр Ўзбекистон етакчиси аҳоли билан маслаҳатлашиш, унинг муносабатларига қулоқ тутиш ва таклифларини қабул қилиш учун мамлакат бўйлаб жамоатчилик қабулхоналари-

ни тартибга солиш ҳамда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан ўзаро манфаатли тижорат шартномаларини имзолашдан бошланди.

Нашр Ўзбекистон етакчиси аҳоли билан маслаҳатлашиш, унинг муносабатларига қулоқ тутиш ва таклифларини қабул қилиш учун мамлакат бўйлаб жамоатчилик қабулхоналари-

ни тартибга солиш ҳамда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан ўзаро манфаатли тижорат шартномаларини имзолашдан бошланди.

"Дунё" АА.

Forbes:

«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ ТАРИХДАГИ МУНОСИБ ЎРНИНИ ҚАЙТАДАН ЭГАЛЛАМОҚДА»

шиб, тадбирда Ўзбекистон томонидан мамлакатга сармоялар киритиш имкониятлари ҳақида пухта ва чуқур ўйланган ҳолда тайёрланган тақдимотлар ўтказилганини таъкидлаган.

Материал муаллифи қайд этишча, Американинг етакчи бизнес доиралари вакиллари Ўзбекистон делегациясини катта қизиқиш ва олқишлар билан қарши

◀◀ Бошланиш 1-бетда

кат тадбиркорларининг самимий ва ишончли муносабатларини сезмаслик ва кўрмасликнинг иложи йўқ эди, деб ёзади.

Мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев – ислохотчи, ўз мамлакатни "иқтисодий тақдир"ни яхшилаш бўйича аниқ ва тушунарли стратегияга эга шахс экани алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон раҳбари қисқа муддатда мамла-

ни ташқи савдо ва инвестициялар учун очди. Мамлакат раҳбарияти юқори малакали кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Президенти хорижда таълим олган ёш мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига тайинлади, мамлакатда коррупцияга қарши фаол кураш олиб бормоқда.

Муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбари

сан, уйма-уй юриш пайтида кредит ажратилишини сўраган хонадон вакиллари 42 нафарига имтиёзли кредит берилиши таъминланди. Чунончи, "Янгибод" МФЙ,

ушбу 5 млн. сўм кредит чиқариб берилди. Ҳозирга қадар сектор ташаббуси билан 112 нафар шахснинг бандлиги таъминланди. Туман ИИБ бошлиғи Шаҳ-

бир қатор МФЙ идоралари, оилавий поликлиника, 6 та мактаб биносини таъмирлаш, шунингдек, кўчалардаги эскирган симёғочларни алиштириш кераклиги аниқланди.

ҳўжалигига доир лойиҳаларни ишга тушириш, натижада 450 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жумладан, "SINO ASIA" МЧЖнинг тош майдалаш фаолиятини амалга ошириш лойиҳаси учун 1 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниб, сектор ҳудудидаги "Лоларик" маҳалласи ҳудудидан 4 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Булардан ташқари, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида ҳам янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Юлдахон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Туман прокурори етакчилигида 2-сектор штаби жойлашган бино ободонлаштирилиб, ички ва ташқи қиёфаси замонавий кўринишга келтирилди, зарур жиҳозлар, мебель, компьютер воситалари билан таъминланди. Секторга Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими ходими штаб котиби сифатида бириктирилиб, унинг мобил телефони "Telegram" тармоғида аҳоли муносабатларини тезкорлик билан қабул қилиб, сектор раҳбарига етказиб турибди.

Сектор ишчи гуруҳлари томонидан 4090 та хонадоннинг оилавий майиш шариоити

◀◀ Бошланиш 1-бетда

юнь ойларида маҳаллаларда туман прокурорининг "Сайёр қабуллари" ташкил этилди.

Прокорор секторидида "Хар бир оила – тадбиркор" дастурига мувофиқ, 72 нафар шахсга 2 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Хусу-

"Тинчлик" кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро М. Холматовга 30 млн. сўм олишга қўмақлашган бўлса, "Гулистон" МФЙ, "Боғи шамол" кўчасида яшовчи фуқаро М. Ботировга тиқувчилик бўйича тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

зодхон Тўрахонов раҳбарлигидаги 3-сектор таркибига киритилди. Ҳозирга қадар сектор ташаббуси билан 112 нафар шахснинг бандлиги таъминланди.

Туман ИИБ бошлиғи Шаҳ-

сан табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, кредит олиш, бандлик соҳаси, моддий ёрдам олишга оиддир. Аниқланган ҳар бир муаммо ҳафтада

бир мартаба сектор ишчи гуруҳи иштирокида муҳокама қилиниб, уларни бартараф қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларга 155 та хат чиқарилиб, уларни бартараф қилиш ва ижроси назоратга олинди.

Ўрганишлар натижасида

ҳўжалигига доир лойиҳаларни ишга тушириш, натижада 450 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жумладан, "SINO ASIA" МЧЖнинг тош майдалаш фаолиятини амалга ошириш лойиҳаси учун 1 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниб, сектор ҳудудидаги "Лоларик" маҳалласи ҳудудидан 4 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Булардан ташқари, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида ҳам янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Юлдахон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ БЎЛ(МА)ЯПТИ

Инсон онги эса бу маълумотларни ҳазм қилиш ва тўғри хулоса чиқариш қобилиятини ишга солиши керак. Бу жуда муҳимдир.

Лекин, бугунги кунда ўзбек бўла туриб, ўз миллати ва мамлакатини, унинг тарихи ва бугунини оёқ ости қилиш билан машғул бўлаётган айрим норасмий ижтимоий тармоқларда, масалан, "Элтуз"да чоп этилаётган саёз фикрлар

хавфини туғдираётганлигини англаши керак.

Бугунги кунда тараққий этган деб ҳисоблаган ҳар қандай давлат ёки жамиятни олиб қаралса, улар бунга тараққиётнинг кетма-кетлиги ва босқичма-босқичлик принциплари асосланиб эришганини кўриш мумкин. Бунинг учун улар XX аср деб номланган юз йилликни босиб ўтишган, бу даврда кимлар-

Бу даврда биз ўз байроғи, герби ва мадҳияси қабул қилинган, ўз чегаралари ва миллий валютасига эга бўлган давлатни яратдик, дунё тараққиётига бевосита таъсири бўлган улғу аллома аждодларимизнинг номларини тикладик. Буларнинг барчасига қанчадан-қанча юртдошларимизнинг меҳнати сингди, умри сарфланди.

Бугунги кунда дунё уммо-

шахсан кўздан кечирмоқда. Мамлакатнинг бирор чеккаси қолмай ўзлари айланиб чиқмоқда. Мана шуларнинг ўзи ҳар биримизга бугунга ишониб, эртанги фаравон кун учун бел боғлашимизга ибрат бўлиши керак.

"Кечадан нолиган бугунга ҳам шукур қилмайди", деганларидек, бу инсонлар бугун нималар қилинаёпти-ю, уларнинг нима учун қилинаётган-

Ҳозирги пайтда қонунбузар ҳар қандай раҳбарларга нисбатан кескин чоралар қўрилмоқда ва суд томонидан айбдор, деб топилганлар оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинмоқда ҳам. Иккинчидан, бундай маълумотларни тарқатишдан қўзланган асл мақсад қандай ва бунинг журналистик фаолият, деб баҳолаш мумкинми? Аслида, журналистика ошқоралик принциpigа асосланади. Шунинг баробарида текширувларини очиқ олиб бориб, хулосаларини "исм-шарифини айтишни истамаган мулозимларнинг иддоеси"га қўра эмас, балки аниқ далил-исботларга таяниб баён этади. Учунчидан, фикрлари қуруқ сафсата ва ички зиддиятни кучайтириб, жамиятни фаллажлашга қаратилган бундай сайтлар ташкилотчилари ва раҳномаларига нисбатан қонун ўз сўзини айтиши шарт. Чунки бу каби маълумотларнинг ортида инсонлар тақдирлари ётади.


Уларга қарата халқимиз орасидаги қуйидаги ҳикматли сўзларни келтираман: "Ташқаридаги душмандан ичиндаги аҳмоқ хавфлироқ". Ёлгон маълумотлар тарқатиб, ўз халқи ва миллатини оёқ ости қиладиган, ҳажвий сурачлар, мантисиз "ҳикоялар" чоп этаётган бу шахслар бизга ва мамлакатга фақат зарар етказадиган айна хатардир. Ҳар биримиз уларга қарши ўз муносабатимизга эга бўлайлик.

МУҲИДДИН ҚИЁМОВ,
Юқоричирчиқ тумани
ҳокимлиги ҳуқуқшуноси

1 миллион 66 минг 925 АБИТУРИЕНТ

талаба бўлиш иштиёқида

Инсон ҳаётининг ҳаяжонли давлари кўп бўлади. Талаба бўлишга аҳд қилганлар учун ҳаяжонли онлар, шубҳасиз, имтиҳон кунидир.



Жорий йилнинг 29 июлидан мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълими йўналиши бўйича тест синовлари бошланди. Албатта, бугунги интилишлар кимгадир талабалик бахтини насиб қилса, кимнидир абитуриент мақомида қолишга мажбур этади. Хуллас, "ғалвирни сувдан кўтарадиган" давлар бошланди.

Маълумки, юртимизда олий таълим тизимини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қартилмоқда. Йилдан-йилга абитуриентлар учун қўллаб-қувватловчи жорий этилмоқда. Жорий йилда ҳам давлат тест маркази томонидан тест синовларини белгиланган талаб ва меъёрлар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қартилди.

Ҳар бир ҳудудда тест синовлари жараёни учун зарур ахборий, техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилишига жиддий аҳамият берилди. Хусусан, жамоат тўпланадиган жойларда махсус соябонли соя-салқин майдонлар ташкил этилди. Бундан ташқари, абитуриентларнинг ота-оналари учун дам олиш жойлари, имтиҳонларни онлайн режимида кузатиш учун катта ўлчамли мониторлар ўрнатилди.

Шунингдек, тест синовлари шаффоф ўтиши, абитуриентларни "шпаргалка"

Зухриддин ҚАМБАРОВ

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан "Камерал назорат" бўлими давлат солиқ катта инспектори Набиев Файзулла Нуридилла ўғлига тегишли бўлган TV-6467 рақамли хизмат гувоҳномаси ҳамда Чиноз тумани Давлат солиқ инспекцияси "Камерал назорат" бўлими давлат солиқ катта инспектори Расулов Қасимон Турғуновичга тегишли бўлган TV-6035 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, "Умид" МФЙ, Боғ кўчасида жойлашган "Репродуктив поликлиниканинг фойдаланилмаётган биноси" давлат объектига 26.02.2018 йилда берилган 146-Р сонли Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТУЗ ҲУРМАТИ «ТУЗЛАШ» БИЛАНМИ?

ва бачкана хулосаларни ўқиб, жамиятимизда "демократия" ва "сўз эркинлиги" ниқоби остида фикр билдириш ҳуқуқдорининг одатдаги қопилларини бузаётганлар пайдо бўлмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Энг ачинарлиси, бу секин-аста одатий ҳолга айланиб бораётгани ташвишлидир.

Улар ким ўзи, ўзбекларми? Ватанлари қаерда? Ўқувчи, аввало, шу саволлар устида бош қотириб кўриши, шунинг баробарида, бу шахслар қкин ўтмишимизни ва бугуннинг воқеаларини бўзиб кўрсатиб, келажак авлодини кечга қундан махрум қиладиганлигини, эртанги кунга эса умидсизланиб қолишига сабабчи бўлаётганликларини, ўз навбатида, бу жамиятимизга тараққиётдан тўхтаб қолиш

◀◀ Бошланғич 1-бетда

□ Вилоят бўйлаб

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг вилотимиздаги бўлинмаси ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун махсус тиббий кўрик ташкил этилди.

СОҒЛОМ ОИЛАЛАР – ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад юртимиз тинчлигини муносиб ҳимоя қиладиган ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда вояга етказган фарзандларнинг ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Юнусобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг бир қатор шифокорлари билан ҳамкорликда ўтказилган кўриқда аёллар, болалар ва ҳарбий хизматчилар окулист, лор, дерматолог, педиатр, ортопед каби 15 га яқин мутахассис текширувидан ўтишди.

– Бизга кўрсатилаётган

эътибор ва ғамхўрликлардан мамнунмиз, – дейди К. Эшбўтаева. – Бугун 3 нафар фарзандимни ҳам малакали шифокорлар кўригидан ўтказдим. Оила ҳамширалигига оид маслаҳатлар олдим. Бизга шундай шароитларни қилиб, бепул тиббий кўрикларни уюштириб берган ташкилотчиларга ҳарбийлар оиласи номидан ўз миннатдорчилигини билдираман.

Нафосат ЗАҒАРОВА



«ЧАВЛИСОЙ» ЧЕВАРЛАРИ

Бўжа туманидаги "Чавлисой" маҳалласи беш ташаббус доирасида танланган ҳудудлардан саналади. Маҳаллада хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилаётир.

Яқинда тадбиркор Муборак Турдубоева маҳаллада янги тикувчилик цехи очиб, 10 нафар қизни иш билан таъминлади.

Туман бўйича йил бошидан бери турли йўналишлар бўйича жами 3 минг 290 нафар хотин-қиз иш ўринларига эга бўлишди.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат



ЎЗГИ МАКТАБ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти ҳамда Тошкент давлат аграр университети томонидан "Ер ресурсларини барқарор бошқариш амалиётлари" мавзусида Республика ёзги мактаби ташкил этилди.

Унда мазкур университет ва унинг филиаллари талабалари, магистрлари, докторантларидан бир гуруҳи иштирок этди. Ўзги мактаб қатнашчилари амалиёт даврида табиий ресурсларни уйғунлашган ҳолда барқарор бошқариш, аграр соҳадаги энг замонавий ва илғор технологиялар билан танишиш, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги амалиётига замонавий технологияларнинг кириб келиш жараёнини жадаллаштириш масалалари борасида етарлича кўникмалар олиб, соҳага доир билим ва малакаларини оширдилар.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

ЁШ ЮРАКЛАР САДОСИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Ёш юраклар садоси" номли китоб тақдиротиға бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда уюшма қошидаги Ёш журналистлар кенгаши аъзолари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талабалар иштирок этишди.

□ Янги китоблар

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси томонидан нашрга тайёрланган ва "TALIM-MEDIA" нашриётида чоп этилган мазкур китобда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган 44 нафар ёш журналистнинг миллий матбуотимизда эълон қилинган қирқ тўрт мақоласи эълон қилинган.

Китобдан ўрин олган мақолаларда навқирон

қалам аҳлига хос ҳаётга тегаран назар, одамларнинг дарду ташвишларига ҳамдардлик, муаммоларни қуёнчақлик билан муҳокамага олиб чиқиш, ўз ижодий услубини яратишга бўлган иштиёқ кўзга ташланади.

– "Ёш юраклар садоси" тўплами мамлакатимизнинг турли оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларга яна бир имко-



ният бўлди, – дейди "Ёшлар овози" газетаси ходими Наргиза Умарова. – Бундай лойиҳаларни яна давом эттириш керак. Чунки юртимизда истеъдодли, қалами ўткир, маҳоратли журналистлар кўп. Ўйлайманки, бундай китоблар журналистика соҳасига қизиққан ёшлар учун муҳим ижодий минбар вази-фасини ўтайди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли "Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги қарори бўйича туман ҳокимлиги қошидаги тугатиш комиссиясининг хулосасига асосан Янгийул туманидаги фаолияти тугатилаётган корхоналар

Р Ў Й Х А Т И

№	Корхона номи	СТИР
1	"YUKSALISH CHORVA AGRO" МЧЖ	303353040
2	"BOTIR-OYBEK BARAKA" МЧЖ	301285870
3	"AMINJON-ISMOIL FAYZ" ОК	302421598
4	"FIRUZA-ELEGANT BUSINESS" МЧЖ	304423238
5	"GULXAN MONTAJCHI" МЧЖ	301114513
6	"YANGIYOL RAVON FAYZ" ХК	300000632
7	"ERKIN-TRANS SERVIS" МЧЖ	300830375
8	"BILLION CHICKENS" ОК	303271698
9	"AKBARSHOX FAYZ-OMAD" ОК	303438685
10	"AG ZAM-SABINA" ОК	302688424
11	"YANGIYO L OMUXTA YEM" МЧЖ	300878441
12	"RAVNAQ IDEAL BIZNES" ОК	304039857
13	АХМАДЖОН УҒЛИ МАХМУДЖОН АДВ.Б.	204177111
14	"BO TAKO Z SAVDO" МЧЖ	302737014
15	"DONI-MAXMUD BIZNES" ОК	302411562
16	"YANGIYO L MELIORATSIYA"ШК	303054634
17	"YANGIYO'L CHORVA INVEST" МЧЖ	302294377
18	"EZOZA FAYZ BARAKA" ОК	302970984
19	"OMAD PLYUS FAYZ" МЧЖ	302997134
20	"XOLMATJON" ХФ	201794082
21	"UMID XAYRULLA OMAD" ОК	303900135
22	"U.BOLG BOYEV AGRO LYUKS" МЧЖ	206559891
23	"SILVER FOOD TRADE" МЧЖ	303887721
24	"NIYOZBOSH ASL TAOMLARI" МЧЖ	302320233
25	"SAIDA ZIYO QURLILISH" ХК	301658904

26	"AZIZ XO JA-YUNUS XO JA" ХК	204690148
27	"DONIYOR GOLD STAR" МЧЖ	301922687
28	"JAHON TAOMLARI" МЧЖ	302961457
29	"SHAXRIYOR FARM" ХК	205660175
30	"QUALITY COLOR BUSINESS" МЧЖ	302537935
31	"SAMANDAR-ZIYO" МЧЖ	303388345
32	"MUSHTARIYBEGIM FAYZ" ОК	302696200
33	"FARXOD OMAD BIZNES" МЧЖ	303745240
34	"LEADER BUSINESS GROUP" ХК	303345865
35	"AL ASQAR TA MRLASH" МЧЖ	302412442
36	"SHAXNOZA-LOLA FAYZ" ОК	302711498
37	"STILNIYE DVERI" МЧЖ	302792350
38	"PARVOZ OIL" ХК	204329886
39	"YANGIYUL INVEST GROUP" МЧЖ	302653301
40	"JASURBEK-FIRDAVS" МЧЖ	302588840
41	"RUSTAM-KAROMAT FAYZ" МЧЖ	206759793
42	"AGRO SUPER MAKS АФ" МЧЖ	301994449
43	"OZOD-MUHAMMAD BIZNES" ОК	304359546
44	"AGRO-BULLS BUSINESS" МЧЖ	303089148

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганилиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кредиторлар 2 ой мобайнида Янгийул тумани ҳокимлиги корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссиясига ёки Янгийул тумани ДСИга муурожаат қилишлари мумкин.

Экспедициянинг мазкур сафари Оҳангарон дарёсининг чап соҳили бўйлаб Нишбош, Лашкарак, Кандирсой, Овжазсой, Шавғозсой, Урғозсой ҳудудлари орқали ўтди. Экспедиция аъзолари Кандирсой ҳудудида бешта маданий мерос объекти борлигини аниқладилар. Сўнгги манзил қадимий Қўшраббат бўлиб, ўрта асрларда бу ердан Илоқ ва

оққан, мўл ва қудратли бўлган. Бугун ушбу манзиллар қанчалик сокин бўлмасин, ўша қадимий қудратини ҳамон ҳис этиш мумкин.

Тўққизинчи асрда Шош ва Илоқнинг кенг ҳудудларида ўттиздан қирқтагача шаҳарлар бўлган. Ўша даврда кулчилик, шивасозлик, кон ишлари ҳамда металл, газмол, тери ва ёғочга ишлов бериш каби ҳуна-

ри билан аталувчи сойлар ҳавзасида жойлашган. Мазкур дарёлар пировардида Оҳангарон дарёсига қуйилувчи Нишбошсойнинг ирмоқлари ҳисобланади. Бу ерда 1955 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих ва археология институтининг отряди иш олиб борган.

Биз Оҳангарон ўрмон ҳўжалиги раҳбари Комилжон Салимов, ушбу ҳўжаликнинг Лашкарак ва Нишбош ҳудудлари масъул ходими Абдужаббор Шораҳмедовдан экспедиция ишларида берган ёрдамлари учун беҳад миннатдормиз. Ҳўжалик ажратган махсус транспортда Абдужаббор бизни Панғоз довоғига

КАНДИРСОЙНИНГ 5 МЎЪЖИЗАСИ

Шош-Илоқ илмий-этнографик экспедицияси халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармасининг вилоят бoshқармаси уюштирган навбатдаги сафардан қайтиб келди.

Шошдан Фарғона водийсига бориладиган қарвон йўли ўтган. Аҳоли бу йўлни "Отабекнинг йўли" деб ҳам атайдилар. Негаки, ўзбек романчилигининг асосчиси буюқ ёзувчи Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари бош қаҳрамони Отабек Марғилонга шу йўл орқали қатнаган.

Қўшраббатда Гойибота муқаддас қадимжоси бор. Умуман, Тошкент вилоятда Гойибота номи билан аталувчи бир туркум шундай қадамжолар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси пировардидан исзис Гойиб бўлган табаррук қария – Гойиб отанинг исми билан боғлиқ. Аммо, унинг номи ва тахминий қабри миннатдор халқ хотирасида сақланиб ва эъзозлаб келинмоқда.


Кандирсой бўйлаб Қўшраббат сари борар эканмиз, археологларимиз қадимий Муссофирога ва Оқота муқаддас қадамжолари ўрнини аниқлаб, белгилаб қўйдилар. Булар қарийб минг йиллик қўна қабрлардир. Ўша кезларда бу ерга келган табаррук кексалар бир умрга Кандирсой соҳилларида яшаб қолдилар. Сойнинг суви қадимда тўлиб

мандчиликлар анча ривожлангани яққол сезилиб туради. Шарқда маълум ва машҳур бўлган конлар айнан шу ерда қизгин фаолият юритган. Улардан энг йириги Қўхисим, яъни қумуш конларидир. Қўхисимнинг қумушлари алоҳида қадрланиб харид қилинган ва узоқ-узоқ мамлакатларга олиб кетилган.

Қўхисимнинг минг йил илгари қизгин фаолият юритган қумуш конлари бугун замонавий кон ишлари чиқиндилари уюлиб ётган жимжит қўрғонлардан иборат. Аниқроқ қилиб айтганда, қадимий олимлар, тарихчилар ва географлар алоҳида таърифлашган қўна конлар ўрнидир.

Лашкарак кони иккита тоғ дарёси, яъни Лашкарак ва Лояк номла-

Тошкент афсона ва воҳаси: ҳақиқат



Лашкарак ҳақида гап борганда, ушбу гўзал қишлоқ одамлари таърифида сўз юритиш жоиз. Тарихдан маълумки, тоғлиқлар қучли бўлишган. Лашкаракда 150 та хонадон бор. Ва, албатта, ҳар бир уй ўз боғи ва гулзорига эга. Энг муҳими, хонадон соҳиб ва соҳибаларининг чеҳраларидан табассум аримайди.

Экспедициямиз "Қўрбозавлиё", "Бандқўшбобо", "Суял-арча", "Қўчқорота" каби ажойиб масканлар, шунингдек, илгари қайд этилмаган учта археологик ёдгорликнинг ўрни ва қолдиқларини аниқлаб, суратга олди.

олиб борди. Экспедициямиз аъзолари анча юқори баландликка қўтарилиб, Панғоз орқали ўтадиган юриш анча машаққатли тоғ йўлини топиб, қайд этиб қўйдилар. Жуда қадимий бу йўлдан ўтмишда қарвонлар қатнаган.

Пистали, Учқиз, Такатурди, Бешсандиқ каби диққатга сазовор тарихий ва табиий жойлари ва яна бир қатор гўзалликда бетакрор масканлари, бўлоқлари, муқаддас тошлари Лашкарақнинг бебаҳо бойлиқларидир. Экспедициямиз Урғоз ва Шавғоз қишлоқларини айланиб чиқиб, бир нечта ноёб археологик ёдгорликларни топди. Йигирмадан зиёд маданий мерос объектларини ҳисобга олди.

Шош-Илоқ илмий-этнографик экспедицияси олдида яна бир қатор муҳим вазифалар турибди. Нодир ёдгорликларга оид ашё ва маълумотларни синчиқлаб ўрганиш, уларни авайлаб, ўз ҳолидек асраш режаларини ишлаб чиқиш лозим. Навбатда эса, янги экспедиция йўналишлари қўтиб турибди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг қимматли маданий меросларимиздир. Уларни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бoshқармаси бошлиғи

Бўстонлиқдаги оилавий меҳмон уйлари

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари томонидан Бўстонлиқ тумани, "Кичиксой" МФЙ, "Сойлик" қишлоғида меҳмонхона ташкил этиб, миҳозларга хизмат кўрсатаётган хонадонлар фаолияти ўрганилганда, "Қўна-қўрғон" кўчасида аксарият хонадон эгалари белгиланган тартибда Давлат рўйхатидан ўтмасдан фуқароларга хизмат кўрсатиб келаётганлиги аниқланган.



Бош прокуратура ахборот хизматининг ёзишча, Департамент ходимларининг ташаббуси билан ўз уйида меҳмонхона ташкил этиб, миҳозларга хизмат кўрсатаётган 50 нафар фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва уларга туризм департаменти томонидан сертификатлар берилиб, 50 дан зиёд янги иш ўрни яратилиши таъминланди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2018 йилдаги 850-сон қарорига мувофиқ "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этиш" фаолияти ҳам киритилган.

Ў.А.

Дарвоқе

Юртимизда етти иқлимга машҳур муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар кўп. Уларга, айниқса, хорижлик сайёҳларда қизиқиш ортиб бормоқда. Айни пайтда ёшларимизнинг бундай зиёратгоҳларга тез-тез туриши уларда ватанпарварлик ҳамда фахр-ифтихор туйғуларини шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга.

Аммо, масаланинг яна бир – айтса тилини, айтмаса дилини куйдирадиган томони ҳам бор...

Яқинда пойтахтимиздаги қадим зиёратгоҳлардан бирида бўлдим. Асл миллийлик уфуриб турган, файзли ва ҳайбатли масканни кузатар эканман, зиёратчиларнинг аксариятини ёшларимиз ташкил этаётганини сездим. Муаззин аср намозига қорлаганида ич ичимдан бир титроқ босди. Ҳаяжонга тўлдим. Аср намозига шошган отахонларни, дуо-

«Зиёратчи» селфичилар



га қўл очган онахонларни, саволат ўқиб, тасбеҳ ўғириб турганларни ҳаяжон билан кузатдим. Қўзим беихтиёр ўзини минг мақомканни кузатар эканман, зиёратчиларнинг аксариятини ёшларимиз ташкил этаётганини сездим. Муаззин аср намозига қорлаганида ич ичимдан бир титроқ босди. Ҳаяжонга тўлдим. Аср намозига шошган отахонларни, дуо-

га қўл очган онахонларни, саволат ўқиб, тасбеҳ ўғириб турганларни ҳаяжон билан кузатдим. Қўзим беихтиёр ўзини минг мақомканни кузатар эканман, зиёратчиларнинг аксариятини ёшларимиз ташкил этаётганини сездим. Муаззин аср намозига қорлаганида ич ичимдан бир титроқ босди. Ҳаяжонга тўлдим. Аср намозига шошган отахонларни, дуо-

Иўқ, кимнингдир қизиқиши, ённки дунёқарашига даҳл қилмоқчи эмасман. Аммо, четдан бир нигоҳ солинг-а...

Қадамжода қайсидир бобоклонимизнинг хоки ётибди. Зиёратга борганини суратга муҳрлаб, уни ўша ондаёқ ижтимоий тармоқларда айлантириб "лайк" йиғишдан бирор маъно кўрмадим, очиги. Балки бу ички туризмни ривожлантирар, аммо зиё-

ратнинг ҳам ўз одоблари бор эканини унутиб қўймайлими?

Зиёратгоҳга келганлар, аввало, муносиб либосда бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бу ҳудудда баланд овозда гаплашиш, шовкин солиш, ҳазил-мутойиба, турли номақбул ҳаракатлар қилиш, бошқаларнинг эътиборини тортиш одобсизлик ҳисобланади. Шундай эмасми?

Марҳамат МИРЗОЕВА

Буюқ бобокалонимиз Амир Темур "Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам унутмайди", деган гапни кўп такрорлар эканлар. Мана шу фикрлар ҳаёлимизда чарх урар экан, айни кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган оламшумул ишлар бир-бир кўз ўнгимизда намойён бўлаверади.

Бизга ёзадилар

Халқ дарди учун қайғурмакни шиор этиб, бундай мардона иш юритишни турли тоифадаги раҳбарларимиз ҳам тезроқ ўзларига сингдириб олсалар эди, ҳаётимиз янада гўзал, давлатимиз қучли, элимиз бунданда фаровон бўларди.

Назаримда, Қўйичирчиқ билан Оққўрғон туманларимиз эгизакка ўхшайди. Бундай дейишнинг турли сабаблари бор.

Гарчи бу туманларни қўна Оҳангарон дарёси ажратиб турсада, у ерда яшаётган одамлар турмуши деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Бу яқинлик қариндошчилик ришталари билан боғланиб кетган, урф-одатлари ҳамоханг. Ҳатто бир пайтлар бу ҳудудлар яхлит туман сифатида гуркираган эди.

Мен жуда яхши эслайман: Оққўрғон тумани сифатида фаолият кўрсатган бу ҳудудларда қишлоқ ҳўжалигидан ташқари маданият, маориф, спорт, савдо-сотик ҳам анча ривож топган эди.

Ҳозирги кунда ҳам бу икки туман аҳли ўша пайтларда туманни бошқарган Саид Тоировни жуда яхши эс-

лашади. Бу инсон ўзининг меҳнатсеварлиги, ишнинг кўзини билиши, ташкилотчилик қобилияти, одиллиги, қолаверса, яратувчанлик иштиёқи билан оққўрғонликлар қалбида ҳамон яшамокда, десак хато бўлмайди.

Саид Тоиров даврида Оққўрғон туманида жуда кўплаб қурилишлар амалга оширилди. Маданият саройлари, мактаблар, кўнғилочар масканлар, маиший иншоотлар, одамлар учун минглаб уй-жойлар қурилди. Ҳозир туманда кўпгина катта-катта иншоотлар ҳақида гап кетса "Булар Саид Мамедовнинг пайтида қурилган", деб эслашади. Инсон учун бундан ортиқ эъзоз, ҳурмат борикидан? Қаранг, сиз ўтиб кетган бўлсангизу, сизни одамлар эҳтиром ила эслаша...

Яқинда бир гуруҳ дўстлар даврасида нуронийлар фикрини билмоқ

учун бир гапни ўртага ташладим: "Биласизларми дўстлар, мана, Саид Мамедовнинг раҳбарлик қилган даврга ярим аср бўлаётганига қарамай, у киши номини одамларимиз ҳануз эслаб юрибди. Биз ўтирган мана шу обод маскан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотираси учун барпо этилган бўлиб, у ҳам Саид Мамедовични эслатади. Биздан яна ярим аср кейинги авлод ҳозирги ҳокимларимизни эслашармикин?.."

Менинг бу фикрим даврадош дўстлар – нуронийларнинг қулфи дилини очди. Тўғрида, бўлаётган ишлардан ҳам

қишлоқ ҳўжалиги, саноат соҳаларида ҳам ўзини ўнглаб олган ҳудудлар сафига кириб қолди.

Мен туманда бундан икки йил олдинги аҳволни жуда яхши биламан. Ўша пайтдаги аҳволни ҳозирги ўзгаришлар ва янгилашлар билан солиштирсак, ишонинг, анча катта фарқ бор.

Туманнинг ҳозирги ҳокими Фарҳод Омоновни макташ, қўққа қўтариш фикридан тамоман йироқман. Лекин, кўзимиз билан қўриб, ақлимиз билан сезиб турган нарсалар ҳақида гапирмаслик ҳам тўғри эмас.

2017 йилнинг ноябрь ойида бўлиб

ўтган туман кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Фарҳод Омонов бир овоздан туман ҳокими этиб тасдиқланган эди. Ўшанда биринчи бўлиб сўзга чиқиш менга насиб этганди.

Минбардан йиғилиш иштирокчиларига қарата "Ҳурматли оққўрғонликлар, мана, энди туманга ҳақиқий бахт қўши қўнди. Биз бу бахт қўшининг келгусида баланд парвоз этишига ёрдам берайлик, бу инсонга қанот бўлайлик. Ана шундагина туманимиз янада гуллаб-яшнайдиган, деганларим ҳамон эсимда.

Буни қарангки, сўзларимизга фа-

ришталар омин деган, шекилли, Фарҳод Омонов ўзининг ташкилотчилик қобилияти, билими ва ўз атрофидаги елкадошлари билан тумани барча соҳалар бўйича юқори поғоналарга олиб чиқишга интилоқда.

Юқорида айтганимиз бундан ярим аср олдин бирлашган икки тумани бошқариб, бугунги кунда шу туманлар аҳли орасида ўзига унутилмас ном қолдириб кетган Саид Мамедович Тоировдан кейин туманга ўнга яқин шахслар раҳбарлик қилди.

Ҳозир бу раҳбарларнинг амалга оширган ишларини эмас, ҳатто уларнинг исми-шарифларини ҳам эслаш қийин.

Албатта, бу раҳбарлар ҳам бекор ўтиришмаган, ўз хизмат вазифаларига тегишли ишларни баҳоли қудрат бажаришгандир. Аммо, уларнинг халқ хотирасида нега сақланиб қолмаганига келсак, яна бобомиз Амир Темур айтиб кетган фикрларга юзланамиз ва шубҳасиз, қурилган ва қурилаётган биноларга, ободонлаштирилган масканларга, тураржойларга боқинг, дегимиз келади ва инсонпарварлик, мардлик билан қилинган ҳар қандай меҳнатни Яратган ҳам, халқимиз ҳам унутмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳолмурод АЛЛАЗАРОВ,
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, истеъфодаги полковник

Ўшлик илҳомлари

*Ўша мен эдим-ку,
ўша мен эдим...*

Сени ранжитдим-у, оғриди қалбим,
Заҳм етди ногоҳ ҳаловатимга.
Емон кўраман деб сени алдадим,
Пушаймон йўл очди ҳалокатимга.

Шунда мен минг бора ўлиб тирилдим,
Қайтадан кўз очдим ҳасратларингга.
Узр сўрамоқни енгилмоқ билдим,
Ўзинг ютишни ҳам ўргатмадинг-да...

Виждонимга қайдан кишан ўрнатдим,
Ўзимга келмадим ўзимдан кетиб.
Сўнг сенга бир даста узр ўрнатдим,
Лоақал биттаси бордимни етиб?



Ёлғон керак...

Қорнинг оч-у кўркам шаҳарда
Сим қоққанда онанг ногоҳон.
Шунда бироз ёлғон зарурдир:
Демок учун: "Тўқман, онажон!"

Бизни ахир қандай чўчитар
Бор виждоннинг элас излари.
Ҳадик солар шоир айтгандай,
Ҳақиқатнинг мудҳиш кўзлари.

Қарар экан умидбахш кўз-ла,
Севгилингдан сен кетар чоғда.
Шунда ёлғон нақадар зарур
Қайтиб келаман деб айтмоққа.

Кун кўрамыз шу ёлғон билан
Ҳақиқатни ямламай ютиб.
Алданиб ҳам бахтлидир инсон,
Алдовларга мукофот кутиб.

Ишонмасанг дўстларингга ҳам
Манфаатин кўйсалар устун.
Бирор ёлғон йўлаб топ, тамом,
Дўст мақомин сақламоқ учун.

Мен ҳам гоҳо тонсам рост сўздан,
Ёлғончи деб босмангиз муҳр.
Алданиб ҳам бахтлидир инсон,
Бахтга ёлғон нақадар зарур...

Ўша мен эдим

Деразанг ёнига қўнди қабутар
Илқида ўроғлиқ мактуб бор эди.
Сенга боқиб турган маънос кўзлари,
Шу онда недандир умидвор эди.
Сен эса пардани ёпиб қўйдинг жим,
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Кўчага чиқдинг сен бог айлангани,
Дайди шамоллардай ҳаёлинг тарқок.
Бог кезиб юраддинг шунда ногоҳон
Оёғинг остига тушди бир япроқ.
Ўша япроқ каби сочилганди ким?
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Боғда гуллар тердинг авайлаб аста
Ногоҳ қўлларингга санчилди тикан.
Нозик қўлинг билан сугурдинг уни
Дединг: "Шундай гулда тикан бор экан..."
Сенга талпинганди шу тикан, гули,
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Сўнг қайтдинг уйингга ўй суриб сокин,
Дераза ёнига қўйдинг гулларни.
Тин олмақ дардида қўйдинг тўшаққа
Ва йиғлаб ўқидинг "Ўткан кунлар"ни.
Кимнидир ўйладинг, кўзлари сим-сим,
Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Тавба

Гуноҳим кўп бўлди, тавбам оз бўлди,
Бир хато соз бўлди, кейин боз бўлди.
Раббим, олдинда мен уётлиғидирман:
Тавбам аввалгидан иқтибос бўлди.

Хуриш АБДУРАШИД

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Манзил:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почталар: thaqiqat@mail.ru // th-tp@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бoshқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ